Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 2 май Шанба.
№ 33 (144126)

ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан шу йил 5-7 май кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясига боради.

МДҲ: АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-29 апрел кунлари Россия пойтахтида бўлиб, МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Москва саммити Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда сиёсий-иқтисодий англашилмовчиликлар кўпайган, мезбон мамлакат ҳукуматида ўрин алмаштиришлар бошланган мураккаб даврга тўғри келди. Айрим мамлакатлар ҳудудидаги ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммолардан ташқари, давлатлараро муносабатлардаги танглик ҳам саммит кун тартибини, унга ёндашувни ўзгартириб юборди. Кўпчилик эътироф этганидек, Кишинёв учрашуви бесамар якунланган эди. Баъзи давлатларда юзага келган ижтимоий-сиёсий инқироз, иқтисодий қийинчиликлар МДҲ доирасидаги умумий ҳамкорликни, аниқроғи, интеграцияни иккинчи даражага қўйиб қўйди. Шундоқ ҳам сиёсий масалаларга кўп эътибор бериладиган МДҲ учрашувлари ушбу мойилликни янада кучайтирди. Москвадаги саммитда ҳам ана шундай - «галдаги» масалалар кўрилиши кутилган эди. Лекин...

Муддао ва иддао

Аслида МДҲга асос солишдан мақсад ўзаро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш эди. Бу моҳиятан жуда тўғри, мантиқ ва ҳаётий тажрибалар нуқтаи назаридан қараганда оқил ва одил мақсад эди. Лекин, хайрли ниятга сиёсий тус бериб, ундан обрў орттириш, ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринган сиёсатчилар ҳам йўқ эмасди. МДҲ устидан назорат қилувчи тузилмалар барпо этиш, турли ҳарбий-сиёсий блоклар тузиш сингари фикрлар ҳам ўшалардан чиқди. МДҲга ташқаридан қараган киши эса уни ташкил этиш муддаоси ва ташкил этилгандан кейинги иддаолар уйғун эмаслигини яққол англайди. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тутган нуқтаи назар ҳам ана шу номутаносибликни бартараф этишга қаратилган. Яъни, Ҳамдўстлик доирасида эркин савдо, ишлаб чиқариш ривожи, тенг ҳуқуқли иқтисодий шериклик муносабатлари қарор топишига шарт-шароит яратиб бериш лозим. Зотан, бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодиётни оқсатиб қўймаслик, оддий фуқаролар турмушига зиён етказмаслик, қолаверса, мамлакатлараро муносабатларга путур кетмаслиги лозимлиги аён. Лекин шу вақтгача айримларнинг иддаоси ўзгача бўлиб келди. Кишинёв учрашуви кўпчиликни қониқтирмаганининг бош сабаби ҳам шунда.

(Давоми 2-бетда)

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

30 апрель куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси бошланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар дипломатик корпусларининг элчи ва вакиллари ҳамда республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Сессия иштирокчилари дастлаб Олий Мажлис депутатлари Замирахон Холматова ва Супон Тиллаев хотирасини бир дақиқалик сукут билан ёдга олдилар.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди.

Депутатлар Мандат комиссияси раиси Ш. Мирзиёевнинг маърузасини тинглаб, Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари ваколатларини эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Парламент аъзолари сессия ишининг кун тартибини тасдиқладилар.

Шундан кейин парламент Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т. Камоловни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов Ер кодекси, Қишлоқ хўжалик ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари юзасидан маруза қилди.

Ер кодекси лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамасида Фарғона вилояти Бағдод тумани ҳокими А. Абдусаматов, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги раиси О. Ҳалимбетов, Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидаги «Савай» агросаноат бирлашмасининг бош директори С. Исмоилов, Сурхондарё вилояти «Шерободсувқурилиш» трести бошқарувчиси М. Бойкелдиев иштирок этди.

Қишлоқ хўжалик ширкати тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими Р. Обидов, Фарғона вилояти Фурқат туманининг Фурқат номидаги ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси М. Собиров, Наманган вилояти Поп тумани ҳокими Х. Талабоев, Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Бобур номидаги агрофирмаси раиси С. Ҳабибов сўзга чиқди.

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама этишда Самарқанд вилояти Ургут туманининг Ҳамза номидаги агрофирмалар уюшмаси бошқаруви раиси Э. Отамуродов, Бухоро «Пахтасаноатсотиш» акциядорлик жамияти раиси М. Умаров, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова иштирок этди.

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманининг ёпиқ турдаги «Шўрахон» қишлоқ хўжалик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Абдукаримов, Тошкент вилояти Чиноз туманининг Амир Темур номидаги фермерлар уюшмаси раиси Т. Ботиров, Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Лапасов сўзга чиқди.

Депутатлар Ер кодексини тасдиқлаб, Қишлоқ хўжалик ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги ҳақидаги қонунларни ҳамда уларнинг кучга кириш тартиби ҳақидаги қарорларни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида катта нутқ сўзлади. У қабул қилинган Ер кодекси ва бошқа қонунларнинг агросаноат мажмуида ислоҳотларни бундан буён ҳам давом эттиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб, бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналари ва тащкилотлари раҳбарлари, қишлоқ меҳнаткашлари, бутун Ўзбекистон халқи олдида турган янги вазифаларга батафсил тўхталди.

Президент депутатлар эътиборини ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш, ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни кўтариш, фермер ва деҳқон хўжаликларини тараққий эттириш ва шу тариқа қишлоқ аҳолисининг доимий равишда иш билан таъминланишига эришиш зарурлигига қаратди.

Шундан кейин депутатлар Давлат Ер кадастри ҳақидаги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишга киришдилар. Бу масала юзасидан Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби П. Шаропов маруза қилди. Мазкур ҳужжатни муҳокама этишда Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Фарғона вилояти Қува туманининг Ш. Рашидов номидаги «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Сайфиддинова, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Ш. Йўлдошев, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Истиқбол» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К. Иззатиллаев, Самарқанд вилояти Ургут туманининг Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А. Зиёев, Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори А. Қаюмов сўзга чиқди.

Депутатлар Давлат Ер кадастри тўғрисидаги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси (иккинчи ўқишда) ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинова маъруза қилди.

Сессия биринчи иш кунининг кечки мажлиси Оила кодекси лойиҳасини муҳокама қилиш билан бошланди.

Кодексни муҳокама қилишда «Оила» республика илмий-амалий маркази директори О. Мусурмонова, Фарғона давлат университети тиббиёт маркази директори Ю. Нишонов, «Қизилқумнодирметаллотин» концерни бошқаруви раиси Н. Кучерский, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги Марказий шифохона туғуруқ бўлимининг бош шифокори Д. Тоғаниёзова, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими Қ. Ортиқов иштирок этди.

Сессия залида

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқладилар. У 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошев чет эл инвестициялари ҳамда чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари ҳақида маруза қилди.

Қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилишда Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, «Файз» акциядорлик холдинг компанияси бошқаруви раиси, бош директори М. Азимова, «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Ғуломмаҳмудов қатнашди.

Сармоялар ҳақидаги қонунлар лойиҳалари муҳокамаси якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. У мамлакат иқтисодиётига хорижий капитални бундан кейин ҳам янада кенг жалб этиш, республиканинг бой хомашё салоҳиятини қайта ишлаш учун янги замонавий технологияларни жорий этиш, рақобатбардошли ҳамда жаҳон андозалари талабларига мос келадиган товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини ҳар томонлама асослаб берди. Республикамизга хорижий сармояларни жалб этиш — иқтисодиётимизни ҳар томонлама ривожлантиришимиз, халқ фаровонлигини оширишимиз учун восита бўладиган омилдир, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Депутатлар хорижий сармоялар ҳамда хорижий сармоядорларга бериладиган кафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар ҳамда бу қонунларнинг кучга кириш тартиби тўғрисидаги қарорларни қабул қилдилир.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маърузасини тинглаб, иккинчи ўқишда кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

***

1 май куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Ҳалилов бошқарди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси котиби Т. Файзуллаев янги таҳрирда тақдим этилган гаров тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маруза қилди. Урганч давлат университети ректори А. Саъдуллаев, Қашқадарё вилоятидаги «Муборакгаз» бошқармаси бошлиғи И. Келеш, Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамияти раиси Т. Сатторов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Фарғона бўлими бошлиғи М. Мирҳамзаев нутқларидан сўнг Қонун қабул қилинди.

Депутатлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Г. Йўлдошеванинг янги таҳрирда парламентга ҳавола этилган аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳасини муҳокама этишда Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳокими Т. Менглиев, Бухоро вилояти Қоракўл тумани касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси М. Олтиев сўзга чиқди. Бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Сўнгра Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П. Қодиров виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маруза қилди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Тошкент давлат юридик институти ректори Ҳ. Бобоев, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Н. Аминов, Андижон шаҳри ҳокими А. Собиров, Наманган вилояти Косонсой тумани ҳокими Т. Маризаева, Адлия вазири С. Мирсафоев, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу масала юзасидан сўзга чиқди. У амалдаги диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун заиф ижро этилаётгани, ҳокимликлар, адлия ва бошқа органлар томонидан мазкур Қонунга риоя қилиш устидан назорат йўқлиги масалаларига алоҳида тўхталди. Давлатимиз бошлиғи жойлардаги давлат, адлия органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, олий мактаб, халқ таълими, маданият ходимлари олдига ислом фундаментализми, экстремизм, ваҳоббийлик, миссионерлик кўринишлари, олға қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсиқ бўлиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш вазифасини қўйди.

Парламент янги таҳрирдаги виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар мазкур Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, уни умумхалқ муҳокамасига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Депутатлар айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган бир қанча шартномаларини ратификация қилди, Ўзбекистоннинг бир қанча конвенцияларга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Депутатлар махсус тузилган комиссия раиси Н. Исмоиловнинг 1992-1993 йиллардаги кредитлар ва кооперациялашган тарзда маҳсулот етказиб берганлик учун Россия корхоналари билан Ўзбекистон Республикси корхоналари ўртасидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги ахборотини тинглаб, тегишли қарор қабул қилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров маърузаси бўйича Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонини тасис этди.

Сессия котибияти раҳбари, Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш. Норбоева депутатларни Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясига юборилган фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг мурожаатлари билан таништирди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди ва олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритди, Х. Тошевни парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси этиб сайлади, айрим қўмиталар таркибларига ҳам ўзгаришлар киритди. Хоразм вилоятидаги Дружба шаҳри номини Питнак шаҳри деб ўзгартириш ҳамда Фарғона шаҳри чегараларини кенгайтириш ҳақида қарорлар қабқл қилинди.

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1997 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова ўтган йилдаги иши юзасидан ҳисобот берди.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини тугатди.

ЁШЛАР ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Олий Мажлис сессияси давом этган икки кунни ҳаяжон билан кузатдим. Унда шубҳасиз давлатимиз ҳаётига, биз ёшларнинг келажагимизга даҳлдор бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Менга айниқса Президентимизнинг ёшлар ўртасидаги ишсизликка барҳам бериш, айниқса, Фарғона водийси, Самарқанд, Тошкент вилоятларида истиқомат қилаётган йигит ва қизларнинг келажаги ҳақида қайғуриб сўзлаган фикрларидан жуда таъсирландим.

Баъзида айрим ёшлар турли оқимлар таъсирига тушиб қолаётганлиги ҳақида гап кетганида кўпроқ йигит ва қизлар шаънига таъналар билдирилади. Президентимиз бу масалага янада теранроқ назар ташлаб, жойлардаги ҳокимлар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ёшларнинг меҳнати, ўқиши, бўш вақтини намунали ўтказиши учун шарт-шароитлар яратиш билан жиддий шуғилланишлари зарурлигини қатъий таъкидладилар. Ҳақиқатан ҳам агарда янги-янги иш жойлари очиб, ишсизликни камайтириш учун қуруқ ташвиқот эмас, амалий ишлар қилинса ёшлар ҳам шунга яраша жавоб беришади.

Р. РАСУЛОВА,
Наманган Давлат университети аспиранти

ГАП — АМАЛГА ОШИРИШДА

Олий Мажлиснинг XI сессияси кун тартибига қўйилган масалаларнинг барчаси долзарб, қабул қилинган янги қонунларнинг ҳар бири катта аҳамиятга эга бўлди.

Мен бўлажак фермер сифатида сессияда ер ҳақидаги қонун қабул қилинганидан бениҳоят қувондим. Озод юртимизда шаклланиб келаётган ҳусусий мулк эгаларига борган сари кенг имконият ва қулайликлар яратилмоқда. Аммо энди гап жойларда қонунларни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ қилишда қолди. Ҳусусан Йўлбошчимизнинг анжуманда куюнчаклик билан сўзлаган нутқларида ҳам шу нарса алоҳида таъкидланди. Ҳар бир тадбиркор ёки фермер қонунларни пухта эгаллаб, зарур пайтда раҳбарларидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишни ўрганиши даркор. Ана шундагина мамлакатимизда ислоҳотларни амалга ошириш тезлашади.

Саъдулла ТЎЙЧИЕВ,
Тошкент вилояти Оҳангарон туманлик тадбиркор

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

"Камолот" жамғармасида "Ўзбекистон дўстлари" клубининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Жамғарма ва Ўрта Осиё Иқтисодий тараққиётига ёрдам халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган бу тадбир "Оила муаммолари" мавзусига бағишланди.

***

Кеча пойтахтдаги муҳташам "Туркистон" саройида симфоник мусиқа кечаси ўтказилди. Унга мусиқа ихлосмандлари билан бирга, мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган чет элликлар ҳам ташриф буюришди. Концертда миллий симфоник оркестри жўрлигида фортопиано учун ёзилган мумтоз асарлар ижро этилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

БИШКЕК. Қирғизистон президенти А.Акаевнинг Хитойга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация имзоланди.

Томонлар аввал имзоланган шартномаларга оғишмай амал қилиш лозимлигини яна бир бор таъкидладилар. Музоқаралар чоғида Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг темир йўлларини ягона тармоққа бирлаштирадиган янги темир йўл шохобчасини қуриш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

ОЛМАОТА. Қозоғистоннинг собиқ пойтахтида ҳарбий-саноат корхоналари маҳсулоти кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ҳозир Қозоғистоннинг ҳарбий-саноат корхоналари асосий маҳсулотга қўшимча равишда энергетика, нефт, газ саноати, транспорт, алоқа, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун ҳам турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, деб хабар беради «КазААГ» ахборот агентлигининг мухбири.

ДУНЁ: сўнгги хабарлар

ХОРИЖДА

Югославиянинг исёнкор тумани Косовода ҳам вазият танглигича қолмоқда. Туман йўлларига қўшимча блок-постлар қўйилган, Албания ҳукумати эса Косово чегарасига ўз қўшинларини юбормоқда.

* * *

Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Хитойга қилган ташрифи давомида у ерда диний эркинлик ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари муҳокама этилди. Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтоннинг июнь ойида Хитойга қилажак ташрифи давомида фан, маориф ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида мутахассислар билан алмашув тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилиши ҳақида ҳам келишиб олинди. Кеча эса Олбрайт хоним Пекиндан Жанубий Корея пойтахти Сеулга келди.

* * *

Латвия ҳукумати сиёсий инқироз ёқасида. Латвия ва Россия ўртасидаги муносабатлар ёмонлашиб, Кремль Латвияга қарши иқтисодий санкциялар қўллаши ҳақида эълон қилганидан сўнг ушбу вазият юзага келди. Республика парламенти Латвия ҳукуматига ишонса бўладими, йўқми деган саволга жавоб бериш қутилмоқда.

"Туркистон", "ЎзА" ва хорижий матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

МДҲ: АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ

(Аввали 1-бетда)

Москва саммити илгариги учрашувлардан шуниси билан фарқланадики, унда оз масала кўрилган бўлса-да, мулоқотлар амалий тус олди. Яъни, у номигагина ўтказилмади. Билъакс, кўрилган масалалар энг долзарб, энг муҳим экани аён бўлди.

Дастлаб МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг раиси масаласи муҳокама этилди. Натижада Россия Президенти Б.Елциннинг ушбу лавозимдаги ваколатини 2000 йилга қадар узайтиришга келишиб олинди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутганидан кейин унинг таркибидаги ҳар бир мамлакат мустақилликни қўлга киритди. Б.Елцин бу ташаббусларни қўллаб-қувватлади, давлат қурилишининг демократия тамойилларига асосланган йўлини эътироф этди. Унинг давлат раҳбарлари кенгашига раислик қилиши МДҲ аъзоси бўлган мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон тутган нуқтаи назарга ҳам уйғун. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, биз Б.Елцин бошчилигидаги Россия тарафдоримиз.

Ташкилий масалаларга тааллуқли яна бир муҳим воқеа Ўзбекистон Бош вазирининг МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари кенгаши раиси этиб тайинланганидир. Учрашув ниҳоясида таъкидланганидек, МДҲнинг юқори органлари раҳбарлари илгари фақат Россиядан сайланар эди. Шу боис келишувга биноан ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов тайинланди. Бу мамлакатимизга кўрсатилган эҳтиром ва ишонч, шунингдек, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, давлатимиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсатнинг эътирофи, Ўзбекистоннинг нуфузи кескин ўсганлигидан далолатдир.

МДҲ ижроия кенгаши котиби этиб, Россия хавфсизлик кенгаши котибининг собиқ ўринбосари Б.Березовский тайинланди.

Москва учрашувини аввалги саммитлардан ажратиб турадиган яна бир муҳим жиҳат - мулоқотлар, баҳс-мунозаралар ниҳоясида Ҳамдўстликни эркин иқтисодий макон, деб қарашга келишилди. Энди учрашувларда биринчи навбатда иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади. Тенглик, ўзаро ҳурмат асосига қурилган иқтисодий муносабатлар сиёсат борасидаги мулоқотлар учун асосий пойдевор ва мезон бўлади.

«ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕС «

Бу борада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов илгари суриб келаётган ғоялар нечоғли муҳим аҳамият касб этаётганига алоҳида тўхталиш жоиз. Давлатимиз раҳбари МДҲга асос солинганидан буён, бу тузилма доирасида биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорлик масалалари устувор бўлишига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб келади. Зотан, мустақил Ўзбекистон тараққиётининг Ислом Каримов томонидан белгиланган беш тамойилидан биринчиси ҳам иқтисоднинг сиёсатдан устуворлигидир. Шу маънода Москва учрашувида эришилган келишувда давлатимиз раҳбарининг ҳиссаси салмоқли. Дарҳақиқат, бундай муносабатларда иқтисод сиёсатдан устун тургандагина тенг шериклик қарор топади, давлатларнинг суверенитети, миллий ғурурига, лўнда қилиб айтганда, мустақиллигига зиён-заҳмат етмайди.

Саммитда хавфсизлик ва барқарорлик, МДҲга аъзо айрим мамлакатлар ҳудудидаги ҳарбий-сиёсий низоларни бартараф этиш, илгариги учрашувларда имзоланган ҳужжатларни ҳаётга кенг тадбиқ этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов Москва сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида Ҳамдўстлик доирасида 13ОО га яқин ҳужжат имзолангани, лекин уларнинг 1О фоизигина барча аъзо мамлакатлар томонидан мақбул, деб топилганини айтди. Яъни, 12 аъзо мамлакат давлат раҳбарларининг барчаси имзо чеккан ҳужжатлар сони 13О га боради, холос. Ўртадаги номутаносибликни изоҳлашга эса ҳожат бўлмаса керак. Шу боис, мамлакатлар ўртасида муайян ҳужжат имзоланар экан, у ҳар бир давлат манфаатига мос келиши, барча учун мақбул бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қисқа қилиб айтганда, давлатлараро ҳужжатларни тайёрлаш борасида «етти ўлчаб бир кес» иборасига амал қилингани маъқул.

Москва учрашуви шуни кўрсатдики, Ўзбекистон тутган йўл демократия тамойиллари, ўзаро ҳурмат ва ишонча асосланган муносабатларни ҳар томонлама рағбатлантиради. Давлатимиз раҳбарининг одил ва изчил сиёсати МДҲ мамлакатлари раҳбарларини Ўзбекистон нуқтаи назарини инобатга олишга ва у ҳақда жиддий мушоҳада юритишга ундаши шубҳасиз. Бўлиб ўтган саммит Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсат, нуқтаи назар нечоғли тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади. Учрашув натижаларидан хулоса сифатида айтиш керакки, МДҲ бундан буён янгича руҳда фаолият кўрсатиши мумкин. Саммит сўнггида журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда таъкидланганидек, шу йил ёзда МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлади. Навбатдан ташқари ўтказилажак ушбу учрашувда Ҳамдўстликни тубдан ислоҳ қилиш масаласи муҳокама этилади. Бинобарин, Москва учрашуви МДҲ тарихида янги даврни бошлаб берадиган саммит бўлиб қолса, ажаб эмас.

* * *

29 апрель куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Москва-Тошкент

ЙИГИТЛАР -- ЮРТНИНГ КЎРКИ

Қизлар тарбияси ҳақида кўп гапирамиз, ёзамиз. "Арқоғини кўриб бўзини, онасини кўриб қизини ол". Атрофдаги нарсаю ҳодисаларни эндигина таниб, англаб келаётган қизалоқ ўз-ўзидан қўғирчоққа меҳр қўяди, уни аллалаб ухлатмоқчи бўлади, эркалатади, тергайди... Демак, унинг қонида оналик руҳи бор, шунинг учун ҳам ҳар қадамда онасига тақлид қилади.

Ота — ҳуқуқис раҳбаҳ, тиниовчи

Ўғил болалар-чи? Энди йўлга кирган ўғилчанинг бобоси ёки отасига тақлидан қўлларини орқасига қилиб юришида, давраларда чордона қуриб ўтиришида, темир-терсакка ишқибозлигида, митти кетмонча ва белкурак билан берилиб ерда ишлашларида ҳаётнинг абадий қонунияти намоён бўлади: демак, ўғилнинг қони, руҳиятига азал-азалдан оталик туйғулари омухта экан.

Шундай бўлгач... бу борада чуқур мушоҳада юритишга биз -- аёлларнинг сезимларимиз, тажрибаларимиз етмаслиги табиий. Ота ва ўғиллар жисму руҳидаги боғланишлар моҳияти ҳақида оталар, боболар мулоҳаза юритсалар ўринли.

Биз эса ҳаётда кузатилган оддий ташқи кўринишлар, яъни оталарнинг кийинишлари, ўзларига эътиборлари билан боғлиқ айрим лавҳалар тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Дарвоқе, ''оддий ташқи кўриниш'' дедик, турмушда бир ёқлама, оддий ҳолатнинг ўзи борми?

КУЁВЛИККА ТАНЛАМАСАЛАР ҲАМ...

Юз ёшдан ўтиб у чин дунёга кетган бобом (Аллоҳ раҳматига олсин) ёдимга тушсалар, ''Ҳизрсифат одамлар шундай бўлармикин,''-дейман. Оппоқ соқоллари ҳамиша тартибли, оппоқ яктаклозим, бошларида оппоқ салла. Одми матодан ёки беқасамдан узун қилиб тикилган чакмонлари, чопонлари ҳамиша оҳорлидек эди. Гувала деворли пастак уйларининг тўридаги илгакда доим бир сидра кўчалик кийимлари илиниб турарди. Сўнгги кунгача хушёр бўлган бобом пахтадек оппоқ, чиройли чол эдилар.

Дадам-чи? (Икки оламларини Аллоҳ обод қилсин). Касблари -- косиблик, аммо табиатларида чиройлиликка, нозикликка тўймаган санъаткор қалбнинг ҳислатлари намоён эди. ''Кийимларинг қиммат бўлмаса ҳам, ярашимли бўлсин,''-дердилар. Маҳалла-кўйда тўй, маърака бўлса, дадамни нонхонага (Тошкентда тавонхона дейилади) бош қилиб қўйишарди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғнинг яхши кунидан яйраб кетгувчи эдилар. Янги дўппи, тоза кўйлак, ёзлик енгил костюм, гард юқмаган оёқ кийимларига қайта-қайта разм солиб чиқиб кетардилар. Уйда ҳам... мана ҳозир ҳарчанд хотирламай, дадамнинг пала-партиш, бехафсала кийиниб юрганларини эслолмайман.

Бир куни дадам қаёққадир борадиган бўлиб қолдилар-у, уйга кириб ҳафа кайфиятда чиқдилар. ''Ўзларингнинг қанча кийимларинг бўлса дазмоллайсизлар. Менинг битта кўйлагим эсларингга тушмайди,''-дедилар аччиқлари келиб. Бу -- биз қизларга тааллуқли гап эди. Ҳақиқатан ҳам, дадамнинг иккита ҳаворанг кўйлаклари бўлиб, бирини кийсалар, иккинчиси дазмолланган ҳолда қозиқда турарди. Ўшанда эътиборсизлик қилган эканмиз... Дадам ҳаттоки шомда кўчага чиқсалар ҳам, бошларидаги дўппини оҳорлисига алмаштириб олардилар. Охирги ойларда тушган суратларига қарайман, ўша-ўша новвотранг жужунчадан тикилган ёзлик енгил костюм-шимлари батартиб, қўйлакларининг ёқаси кўркам. Оғир хасталик қувватларини сўриб бораётган ўша кунларда ҳам: ''Э-э, қўяверинглар, менга бўлаверади,''-деб ўзларига бехафсалалик қилганларини билмаймиз.

Кейинчалик англадимки, кишининг ўз ташқи қиёфасига эътиборли бўлиши, маданиятли кийиниши фақат чиройли кўринишга интилиш эмас, балки атрофдагиларга ҳурмат-иззати ифодаси ҳам экан.

Узоқ йиллар давомида хизмат сафари боис турли жойларда, касбу кори ҳамда табиати хилма -хил бўлган одамлар даврасига кирганимда ёш, соғлом, кийимлари қатор-қатор оталар, акаларнинг эл ичига ғижим, кир либосда, соч-соқоллари қаровсиз кириб борганларини кўрганимда, дадамни такрор-такрор эсладим. Англадимки, жозибадорлик фақат аёлларга хос эмас, эркакларга ҳам ярашимли экан ва у биринчи навбатда ташқи қиёфадан бошланаркан.

Эркакни оқ ювиб, оқ тараб кўчага чиқариш уй бекасининг бурчи, албатта. Лекин баъзан шундай ҳам бўладики, кўчага шошиб чиқиб кетаётган эрнинг орқасидан хотини: ''Ҳой, кўйлагингизни алмаштирволинг. Кўчага шиппакда чиқасизми?''- деб чирқиллаб қолаверади. Эр: ''Мени энди биров куёв қилармиди? Қўявер!''- дейдию чиқадикетади. Албатта, куёвликка танламайди-ю... Ҳамиша батартиб, чиройли, ёқимли бўлишга нима етсин? Қолаверса, от изини той босар қабилида отанинг изидан келаётган ўғилда ҳам ўзига нисбатан бахавфсалалик, эътиборсизлик шаклланмайдими?

Айрим оталар ўз хонадонига фақатгина тирикчилик ташвишлари билан боғлиқ энг зарур нарсаларнигина эмас, балки уй-жойни чиройли, шинам қиладиган нозигу нафис буюмлар ҳам кўтариб келишларини ҳавас қиламиз. Эътибор бер-сангиз, ўшандай уй бошлиқларининг ташқи қиёфалари ҳам дид-фаросатли эканликларини яққол кўрсатади. Демак, ҳар қандай одамнинг уй-жойини, маҳалласини, иш ўрнини ва шубҳасиз, Ватанини файзли, кўркам, озодаю сарицта қилишга интилиши аввало ўзига муносабатидан бошланади.

Яқинда танишларимиздан бирининг узатиладиган қизини бир йигит билан учрашувга олиб чиқишибди. Учрашувдан кейин аёлларнинг ҳаммаси: ''Кўркам, чиройли, уй-жойлари бекаму кўст экан. Бундан ортиқ яна қанақа йигит керак сенга?!''-деб бир тараф бўлишди-ю, қизнинг ўзи бир томон бўлди. Сабаби, йигитнинг кийимлари қиммат-баҳо-ю... бетартиб экан.

''Сут билан кирган жон билан чиқар,''-дейдилар. Шунинг учун ҳам табиатдан чиройли бўлишга интилувчан қизчаларимиз ҳаётларининг илк йилларидан бошлаб оналаридан чиройли, ёқимли, дилтортар бўлишни ўрганганлари каби, ўғилчаларимиз ҳам ақлларини таниш баробарида оталарининг саришталиклари, батартиб ва муносиб кийим ҳамда қиёфаларидан ибрат олсалар, умрбод ўз жондошларига, бекаларига, дўсту ёрларига, ҳамкасбларга жамоатларига севимли, ёқимли, азиз инсон бўлсалар, иншоаллоҳ.

ИБРАТ

Эрталаб боғчага жўнаш олдидан олти ёшли қизча ойисидан: ''Боғчага ўзингиз олиб борасиз!''деб талаб қила бошлади. Она шошиб турганди: ''Мен олиб бордим нима-ю, даданг олиб бордилар нима?'' Қандай фарқи бор?''- деб қизини кўндирмоқчи бўлди, лекин қизча бир гапни тинмай такрорларди. Дадаси уни судрагандай боғчага олиб чиқиб кетди.

Аёл кечки пайт ишдан қайтишда боғчага кирганда бир йигит ўғилчасини кийинтириб ўтирганди. Онасини кўрган қизалоқ қувониб югуриб чиқди ва: ''Ойижон, ўзингиз келганингиз яхши бўлибди,''деди. Аёл шкафчадан олган кийимларни қизчага узатаркан, қизалоқ сал ўпкалади: ''Айтдим-ку, эрталаб ўзингиз келсангиз бўларди...'' Онаси кулди: ''Нима фарқи бор, қизим?''

''Бугун эрталаб ҳам дадам ташлаб кетганларидан кейин боғча опамиз мени уришдилар,'' деди қизча йиғламсираб, кейин онасининг ҳайрон тикилиб турган нигоҳларига жавоб бергандай: ''Даданг ўз уйларинггаям лой туфли билан кириб боравердими?'' деб сўрадилар боғча опам.

Аёлнинг бошидан ўт чиқиб кетгандай бўлди. Бегона эркакнинг олдида... Лекин ўғилчасини кийинтираётган йигит шошиб ўрнидан турди-да, йўлак остонасига ечиб қўйган туфлисини кийиб ташқарига чиқиб кетди...

БИР ОМАДИ ГАП

Институтни эндигина битириб ишлаётган йилимиз эди. Уч дугона катта шаҳарлардан бирига ўттиз кишилик гуруҳ билан саёҳатга чиқдик. Дастлабки соатларданоқ (гапнинг очиғи-да!) қадди-басти кўркам, кийимлари ўзига хўпам ярашимли йигит диққатимизни тортди. Кўринишидан анча жиддий аёл унинг доимий ҳамроҳи эди, кейинроқ билсак, улар бирга ишлашар экан. Пинҳона эътиборимизни сездими ёки шунчаки қизиқишми, йигит ҳам бизнинг даврамизга тез-тез қўшиладиган бўлди. Уйланган, икки фарзандли эканини билганимиздан кейин ҳам йигитга бўлган эътиборимиз бирдай эди. Унинг шу қадар мутаносиб, ярашимли кийинишига ҳавасимиз ортарди. Нафақат кийинишида, балки кулимсираб сўзлашида, ўтириб-туришларида табиий бир кўркамлик бор эди.

Йиллар ўтди. Тақдир тақозоси билан уч дугона ҳаётнинг уч хил йўлидан кетдик. Йиллар оша кўришиб, узоқроқ гаплашиб қолгудек бўлсак, ҳамон ўша йигитни завқу ҳавас билан эслаймиз.

... Ҳаёт кўрган, тажрибали оналари, опаларининг гапларига, газета-журналларга ёзилганларга тақлид қилиб қизлар кўпчилик орасида: ''Йигитнинг ҳусни ташқи кўринишида эмас, қалби чиройли бўлсин,''- десалар-да... гапнинг очиғи уларнинг аксарияти илк бора турмушга чиқаётганда куёв бўлмишнинг кўриниши, ташқи қиёфасига хўпам эътибор берадилар-да! Мантиқан бу ҳам тўғри: ҳар кимнинг ташқи кўриниши унинг қалб оламининг ўзига хос кўзгуси! Мулоҳазали, ақлли йигитнинг ўзига жуда зебу оро берган ва... ўзига умуман эътиборсиз бўлган қизларни ёқламаганлари каби, теран фикрли йигитлар ҳам... Менинг фикримни зукко укаларим англаб етдилар...

Муҳтарама УЛУҒ

КЎНГИЛДА ЎЙЛ

Сир эмаски, ёшларнинг эътиқоди хусусида бугунги кунда турлича фикрлар айтилмоқда. Киши шахсининг қай даражада камолотга етганлиги унинг эътиқоди билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчилари билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

Сожидахон НАЖМИДДИНОВА:

-- Эътиқод масаласи бевосита тарбия билан боғлиқ. Ҳозирги кундаги энг долзарб масала ёшларнинг тарбиясидир. Яқиндагина эълон қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастур ҳамда ''Таълим тўғрисида''ги Қонуннинг яратилиши замирида ҳам ёшларнинг тарбияси мавжуд. Айримлар йигит-қизларимизни бепарво, сусткашликда айблашга ўрганиб қолишган. Бир қарашда бундан осони йўқ. Тарбия эса энг аввало оила, маҳалла, қариндош-уруғлар муносабатида шаклланади. Ахир беҳудага айтилмайдику: Қуш уясида кўрганини қилади, деб.

Қолаверса, инсоннинг ўзида имон-эътиқод мустаҳкам бўлиши керак. Эртанги кунга ишонч, мақсадлар аниқ бўлса, ёшлар ўзини билиб-билмай турли ноқобил йўлларга кириб кетишмайди. Ундан ташқари оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилсагина қутилган натижага эришиш мумкин.

Шоира УМАРОВА:

-- Илгари ёш ўсиб келаётган авлодни болалар боғчасидан то олий ўқув юртигача октябрят, пионер, комсомол каби муайян рамкага солиниб келинган. Баъзи йигит-қизларимиз тушунмай ўзларини ҳар хил оқимларга уриб юбораётганлари ачинарли ҳолдир. Назаримда ёшларнинг бекорчи бўлиб қолганлиги бунга бош сабаб. Бу тоифа ёшлар мустақиллик шарофати унинг неъматлари қадрига етишмаяпти. Уларнинг қалбига эзгу ғояларни сингдиришда оила, мактаб жамоаси, маҳалла фаол ҳаракат қилиши керак.

Фазлиддин САЪДУЛЛАЕВ:

-- Ҳар қандай жамиятдаги шахс муайян мақсад асосида яшайди. Ёшларнинг онгига қандай фикр сингдирилса, улар шунинг таъсирида шаклланади. Дарҳақиқат, бекорчилик барча салбий ҳодисаларнинг асосини ташкил этади. Бугунги масъулиятли дамларда ёшлар онгига Ватанга муҳаббат, халққа ҳалол хизмат қилишдек эзгу ғояларни сингдириш ниҳоятда муҳимдир. Айни дамларда ёшларимизнинг пухта билим олишлари учун давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилган. Биз ўз қобиғимизга ўралиб қолмасдан миллий қадриятларимизга таяниб, халқаро андозаларга асосланиб ривожланишимиз керак.

Раҳмон ДАВЛАТОВ:

-- Жамиятда катта тозаришга интилиш бордек туюлади. Тарихни кўп билганимиз сари бу интилиш янада кучаймоқда. Баъзи ёшларимиз онгини бўшлиқ эгаллаб тургани ҳеч кимга сир эмас. Ундан айрим бадниятчилар ўз мақсадида фойдаланишмоқчи бўлишди. Ваҳҳобийлик каби бузғунчи оқимлар фикримнинг далилидир. Кўпчилик ота-оналар диннинг асл моҳиятини англашмайди, улар фарзандларини масжидларга беришмоқда. Афсуски уларга қандай таълимот берилаётганини ота-оналар жуда кеч англаб етишяпти. Истиқлол туфайли халқимиз ўз эътиқодига қайтди. Бу қувончли. Лекин Ислом динини ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлган кимсалардан ёшларни эҳтиёт қилишимиз керак.

Мақсуд ЁҚУБОВ:

-- Эътиқод масаласини ёшларнинг дунёқараши билан бевосита кўриб чиқиш керак. Катта авлод билан кичик авлод ўртасида тафовут бўлиши табиий. Уни ягона қолипга тушириш ярамайди. Лекин кимларнингдир эътиқоди бутун жамиятга зарар келтирса, бунга қарши курашиш керак.

Ёшлар тарбиясига келсак, уларга катталарнинг ўзи шахсий намуна кўрсатиши, ўз хатти-ҳаракати билан ибрат бўлиши керак. Бунда оммавий ахборот воситалари, телевидениенинг роли катта. Ёшларни тушуниб, руҳиятига катталарнинг кириб бориши уларнинг тарбияси, эътиқодининг мустаҳкамлигида муҳим омил бўлади.

Хайрулла ТЎХТАЕВ:

-- Ростини айтганда инсон бир умр тарбияга муҳтождир. Шу боис ёшлар жамият назаридан четда қолмасликлари керак. Акс ҳолда уларнинг йўлдан адашишлари ҳеч гап эмас. Ёшлар кўпинча катталарга тақлид қилишади. Айниқса ғайритабиий нарсалар уларни кўпроқ диққат-эътиборини тортади.

Улар турли чет эл фильмлари, мусиқасининг ихлосмандлари бўлишади. Энг сўнгги русумда кийинишни ёқтиришади. Бу албатта катталар истагига мос келмайди. Майли ёшлар ўзлари истаган русумда кийинишсин, лекин улар ҳеч қачон ножоиз йўлларга кириб кетмаслиги керак. Йигит-қизларнинг қизиқиши, интилишларини мукаммал ўрганиш орқали уларни эзгуликка бошлаш мақсадга мувофиқдир. Шундагина улар жамият назаридан четда қолмайди.

Бахтиёр ОМОНОВ:

-- Тоталитар тузумдан бизга лоқайдлик, боқимандалик, танбаллик каби Шарқ дунёсига хос бўлмаган иллатлар ''мерос'' қолди. Аммо энг ёмони худосизликдир. Инсоннинг эътиқоди -- ички ''мени'' йўқ экан, у ҳеч қачон мустақил бўлолмайди. Биз ёшлар тарбияси, эътиқоди ҳақида бугун гапирмас эканмиз, эртага кўп нарсани бой бериб қўямиз. Менимча қишлоқ ёшларининг ўй-хаёллари, интилишу қизиқишлари тўғрисида телевидениеда ҳам, матбуотда ҳам етарли даражада чиқишлар бўлмаяпти. Ваҳҳобийлик сингари салбий оқимлар эса эътиборсизлик оқибатида келиб чиқмадимикин. Нафсиламбирини айтганда ёшларга нисбатан бефарқ бўлишга бугун ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки ёшлар юрт келажагидир.

Ҳумоюн АКБАРОВ:

--Бизда бир муаммо бор. Бу баъзиларнинг ёшлардан ''норозилик фикри''. Бу фикр илгари ҳам бор эди, бундан кейин ҳам бўлади. Афсуски, шу ноқобил ёшларни ҳам ''норози'' катталар тарбиялаган ёки улар ҳам қачондир шундай ёш бўлган. Бугунги ёшлар дунёни кўрмоқдалар, англамоқдалар. Шундай имконият яратган давлатни севмоқ, улуғламоқ ҳам фарз, ҳам қарздир. Асосий эътиқод -- Ватанга содиқлик эътиқоди бўлмоғи керак!

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга ошира бошланиши ҳам ёшлар учун муҳим масала ҳисобланади. Бу давлатимизнинг ёшлар масаласига кенг қамровли ёндашувидир. Эътиқод хусусида кенгроқ тўхталсак. Бизда Виждон эркинлиги белгилаб қўйилган. Аммо ҳар бир ёш кимга ва нимага, нима учун эътиқод этаётганлигини чуқур англамаса, катта ташвиш келиб чиқади. Албатта, бу ҳаёт фалсафаси, мазмуни, биз умрни нимага бағишлаганимизни англамоғимиз, ҳис этмоғимиз лозим. Барибир юқорида таъкидлаганимдек, ҳар қандай эътиқод Ватан, халқ манфаатига зид бўлмаслиги лозим.

Назокат УСМОНОВА
суҳбатлашди

ДИҚҚАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ 1998 ЙИЛ 11-28 МАЙ КУНЛАРИ КИМ ОШДИ ВА БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ. САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

''Ўзбекистон темир йўллари'' давлат акционерлик компаниясига қарашли мрамор цехи биноси. Бошланғич нархи 1.008.500 сўм.

''Ўзсувқурилиш'' давлат концернига қарашли ''ПМК-5'' корхонасининг икки қаватли маъмурий биноси, омборхона ва таъминлаш цехи. Бошланғич нархи 15.419.000 сўм.

Сирғали туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган ''Жамоа савдо маркази'' биноси. Бошланғич нархи 12.212.000 сўм.

Сирғали тумани 2-мавзесида жойлашган ''Электормаш'' ишлаб чиқариш бирлашмасининг 13 маъмурий биноси. Бошланғич нархи 40.458.657 сўм.

Сирғали тумани ''Спутник-8'' мавзесида жойлашган ''Ўзсаноатхўжаликқурилиш'' Давлат корпорациясига қарашли ''ПМК-165'' корхонасининг 446,32 кв.м. маъмурий биноси. Бошланғич нархи 1600000 сўм.

Геодезия ва катография Бошқармасига қарашли, Тошкент шаҳри, Бобахон кўчасида жойлашган 223-бирлашган комплекс экспедицияси ҳудудидаги қурилиши тугалланмаган иншоот. Бошланғич нархи 7.975.430 сўм.

Сирғали туманида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонлари. Бошланғич нархи 224.449 сўм. А.Икромов тумани, Х.Турсунқулов кўчасида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонлари. Бошланғич нархи 250.000 сўм.

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ:

''Чуқурсой автокорхонаси'' акционерлик жамиятининг ГАЗ-24 русумли 2-та автомашиналари. Бошланғич нархи 47.276 сўм ва 54199 сўмдан иборат.

10-автотаъмирлаш заводининг МАЗ-5429 русумли автомашинаси. Бошланғич нархи 248.811 сўм.

''Ўзбеклифт'' таъмирлаш-қурилиш бошқармаси Тошкент ихтисослашган ''Таъмирлифт'' минтақавий таъмирлаш-қурилиш бўлимининг ОМЗ-52 русумли автомашинаси. Бошланғич нархи 153.317 сўм.

''Ўзбеклифт'' таъмирлаш-қурилиш бошқармаси Тошкент ихтисослашган ''Таъмирлифт'' минтақавий таъмирлаш-қурилиш бўлимининг ЕрАЗ-762 русумли автомашинаси. Бошланғич нархи 67.386 сўм.

''Ўзбеклифт'' таъмирлаш-қурилиш бошқармаси Тошкент ихтисослашган ''Таъмирлифт'' минтақавий таъмирлаш-қурилиш бўлимининг ГАЗ-52 русумли А/М. Бошланғич нархи 122.653 сўм.

''Ўзбеклифт'' таъмирлаш-қурилиш бошқармаси Тошкент ихтисослашган ''Таъмирлифт'' минтақавий таъмирлаш-қурилиш бўлимининг Днепр-16 русумли мотоцикли. Бошланғич нархи 16.240.

Акционерлик жамиятига қарашли ГАЗ-2417 русумли а/м. Бошланғич нархи 49.042 сўм.

''Саноат'' ишлаб чиқариш фирмасига тегишли:

4-та КАМАЗ автомашинаси. Бошланғич нархи 500.734 сўмдан 729.225 сўмгача.

3-та ММЗ-4502 автомашинаси. Бошланғич нархи 302.107 сўмдан 664 686 сўмгача.

ЗИЛ- 441510 автомашинаси. Бошланғич нархи 631.995 сўм. ПАЗ-672 автомашинаси. Бошланғич нархи 459.296 сўм. ГАЗ-24 автомашинаси. Бошланғич нархи 75.381 сўм. ИЖ-2715 автомашинаси. Бошланғич нархи 103.793 сўм.

''Ўзшаҳарқурилиш'' акционерлик жамиятига тегишли ГАЗ-31029 автомашинаси. Бошланғич нархи 1.160.000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар ''Дори-дармон'' акционерлик бирлашмасига қарашли 17 та ГАЗ-5201 русумли автотранспорт воситалари. Бошланғич нархи 105.906 сўмдан 213.794 сўмгача.

Шайхонтоҳур туманида жойлашган, ''Ёркин Нур'' акционерлик жамиятига тегишли, майдони 1300 кв.м бўлган ''Ангар'' модули. Бошланғич нархи 224.440 сўм ва ундан юқори.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават, 1-хона. Телефонлар: 144-44-72 144-44-73

ШОШИЛИНГ -- БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ!

ЎЗБЕК АШЛАСИ ШУҲРАТИ

ЭЪТИРОФ

Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўрнатилган самарали маданий-маърифий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан маданият ва санъатимизнинг бир гуруҳ арбоблари Вашингтон шаҳридаги «Саклер» галереясида ўтказилган «Марказий Осиёнинг нафис ипаклари - Икат» кўргазмаси очилишида иштирок этиши ҳам фикримизнинг далилидир. Биз делегация раҳбари, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиевдан ана шу сафар тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

-Ўзбекистон халқ амалий санъатининг энг қадимги, бетакрор турларидан бири - атласчиликдир,- дейди **Т.Қўзиев.** - Ҳунармандликнинг бу турига бутун жаҳонда қизиқиш катта. Ҳатто Америкадаги «Метрополитен» музейида Марказий Осиё атласлари намуналаридан катта кўргазма ташкил этилган. У «Ипак олтинга тенг бўлган даврда» деб номланади.

АҚШнинг машҳур жамоат ва маданият арбоби Гвидо Голдман - Марказий Осиё халқ амалий санъати шайдоси. У кўп йиллардан бери Ўзбекистоннинг миллий ҳунармандлигига қизиқиб келади. Кўплаб санъат муассасалари, хусусан, Бостон нафис санъат музейи бошқарувининг аъзоси бўлмиш Г.Голдманнинг шахсий коллекциясида юртимизда ишланган жуда кўплаб нафис амалий санъат асарларини учратиш мумкин. Уларнинг асосийси қадимий атлас матолар коллекциясидир. Унда намойиш этилаётган атлас намуналари орасида бир неча асрлик тарихга эга бўлганлари ҳам, замонавий услубда тўқилганлари ҳам бор.

«Марказий Осиёнинг нафис ипаклари» кўргазмаси Вашингтондаги энг катта «Саклер» галереясида ташкил этилди. Унинг очилишида Америка Конгресси аъзолари, сенаторлар, БМТ вакиллари, музейлар раҳбарлари, хусусий коллекциялар эгалари қатнашди.

Кўргазмани ташкил этишдан кузатилган асосий мақсад Ўзбекистонда, унга туташ ҳудудларда кенг ривожланган атласчиликни тарғиб қилиш, энг юксак санъат асари даражасига етказилган матолар намуналари билан Вашингтон шаҳри аҳолиси ва меҳмонларини таништиришдан иборат эди. Кўргазма ҳақиқатан ҳам минглаб томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Улар халқ ҳунармандлигининг бу ноёб турини асрлар оша сақлаб келаётган муносиб ворисларнинг маҳоратига тан беришди.

Ўтган йили Гвидо Голдман хусусий коллекцияси асосида тайёрланган «Икат - Марказий Осиё ипаклари» катта фундаментал каталоги чоп этилган ва бир нусхаси Президентимиз Ислом Каримовга тақдим этилган эди. Каталог мазкур соҳа билан шуғулланувчи олимлар ва санъатшуносларнинг ўрганиши, усталаримиз қадим санъатимизнинг хорижда сақланаётган ноёб намуналари билан яқиндан танишиши учун Ўзбекистон Бадиий академиясига берилди.

Ўзбек халқ амалий санъатининг бетакрор намуналарини тўплаш, сақлаш ва таъмирлаш, уларни жаҳон бўйлаб тарғиб этувчи катта коллекция ҳолига келтиришдаги улкан хизматлари учун Гвидо Голдман Ўзбекистон Бадиий академиясининг аъзоси этиб сайланди. Вашингтонда унга академия аъзоси дипломи ва Бадиий академиянинг Олтин медали топширилди.

Кўргазма ташкилотчисининг таъкидлашича, жуда бой тарихий, маданий меросга эга бўлган ўзбек халқининг юксак бадиий савиясини ифода этувчи кўргазма АҚШда яна бир ой намойиш этилади. Кейин Япония ва бошқа давлатларда кўрсатилади. Келгусида уни Тошкентга ҳам олиб келиш кўзда тутилмоқда.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛОТ" ЖАМҒАРМАСИ БОШҚАРУВИ 1998 ЙИЛ УЧУН "КАМОЛОТ" ЖАМҒАРМАСИ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1998 йил учун "Камолот" жамғармаси мукофоти қуйидаги 4 йўналишда берилади:

*** журналистика соҳасида** -- мамлакатда амалга оширилаётган серқиррали ислоҳотлар, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги таҳлилий мақолалар туркуми учун;

*** қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик соҳасида** -- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш йўналишида меҳнатни ташкил этиш, агротехника, технологиянинг замонавий усулларини жорий этиш борасидаги амалий фаолият ва эришилган юксак натижалар учун;

*** профессионал ҳарбий хизмат ва ҳарбий-ватанпарварликни тарғиб этиш йўналишида** -- мамлакат мудофааси, халқ осойишталиги йўлида кўрсатилган жасорат, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги алоҳида хизматлар учун;

*** таълим соҳасида** -- таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича замонавий ўрта таълим ва ҳунар мактаблари лойиҳалари, мукаммал таълим услублари, ёшларга чуқур билим бериш соҳасида эришилган муваффақиятлари учун.

"Камолот" мукофоти совриндорлиги учун танловларда иштирок этишни хоҳловчи 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган шахслар шу йилнинг 31 июнига қадар мукофот комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

1. Кадрлар маълумотномаси (тегишли тарзда тўлдирилган ва иш жойида тасдиқланган ҳолда)

2. 2 дона 4х6 фотосурат.

3. Танловга тавсия этилаётган иш, лойиҳа ёки фаолиятда эришилган натижалар ҳақида маълумот.

4. Ишга тегишли фото, аудио ва видео материаллар (агар мавжуд бўлса)

5. Мутахассислар, тегишли ташкилотларнинг ҳулосаси.

Мукофот комиссиясининг манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 11 уй. "Камолот" жамғармаси бошқаруви. Тел.: 41-00-50, 41-00-83

ДУШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Лирик тароналар.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Санъат ошиёни».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) — «Бухоро» (Бухоро).
14.10 — 14.45 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кучук боласи ва эски шиппак». Мультфильм.
18.20 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.45 «Олам ва одам».
19.05 Миср ҳақида ҳикоялар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 «Санъаткор саодати». М. Эрматов.
22.00 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
22.45 «Тадбиркор минбари».
23.05 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.55 «Ахборот».
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Эгиз қўшиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.15 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Сёгун». Телесериал.
22.00 «Бурч ва масъулият».
22.10 «Даракчи» (рус тилида).
22.20 «Мусиқий калейдоскоп».
22.40 «Бозор ва мулк».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Саргузашт фильмлар экрани.
23.50 — 23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
17.20 «Фантадром». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевидениеси 17.50 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Дунёқараш». Тележурнал.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 Экранда сериал: «Флетч» Бадиий фильм.
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Мусиқий танаффус».
20.20 «Чинор» видеоканали: «Ширу-шакар», «Умид».
21.00 «Ҳамкорлик».
21.20 «Намастэ».
21.45 Кинематограф.
23.05 «Спорт-тайм».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Шарқ тароналари».
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 Алифбо сабоқлари.
11.05 «Эмас осон...». Адабий кўрсатув.
11.25 «Олам ва одам».
11.45 «Ўзбекистон фуқароси».
12.05 «Маҳалламиз болалари». Телемуҳобака.
12.50 — 14.00 Кундузги сеанс. «Қойилмақом иш». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Зиё сарчашмаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним менинг!». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
22.40 «Мулк ва муносабат».
22.55 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
23.20 «Ахборот».
23.45 — 23.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мусиқий йўлка». Видеоклип.
21.05 «Сёгун». Телесериал.
21.55 «Даракчи».
22.05 «Спорт қитъаси».
22.35 Кундалик.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ.
00.25 — 00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00
* * *
17.20— 20.40
*
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Флетч — тирик». Бадиий фильм.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.35 «Наволарда аён этсам».
19.55, 22.15 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Очиқ дарс».
21.00 «Авлод».
21.20 «Ўйингоҳ».
21.40 «Телефакт».
21.55 Хит —коллекция.
22.20 «Қувноқ кино».
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ифтихор».
9.05 «Соғлом бўлай десанг».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Камолот».
10.20 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.
11.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
12.25 Кундузги сеанс. «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
13.40 «Жараён».
14.10 — 14.30 «Халқ ижодиёти».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар».
18.30 «Меърож».
18.45 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт ҳорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...»
22.00 «Шаҳар — бедарвоза эмас...».
22.20 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
22.55 «Ахборот».
«Ёшлар» телеканали
23.20 1. «Менга сўз беринг!».
2. «Сочининг савдоси тушди».
3. «Эстрада ва ёшлар».
00.50 — 00.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Келин-куёв».
21.50 Ғазал соғинчи».
22.10 «Даракчи» (рус тилида).
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Экранда — детектив.
00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00
* * *
17.20—20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 Лесли Нильсен «Ижарага олинган бола» комедиясида.
23.10 «Умр дафтари». Телекўрсатув.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 22.05 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Ёлқин».
20.30 «Мезон».
20.45 «Автосалтанат».
20.55 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.15 «Мусаввир нигоҳи».
21.35 «Дурдаршан».
22.10 Кинематограф.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилрабо наволар».
9.05 «Бокира туйғулар».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Мен туғилган тупроқ».
10.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳор лавҳалари».
11.00 «Ёшлик» студияси. «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
11.20 «Ҳуқуқий жамият сари».
11.40 Болалар учун. «Йўл қоидаси — умр фойдаси».
12.05 Кундузги сеанс. «Фаввора». Бадиий фильм.
13.30 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.10 — 14.30 «Талаб ва таклиф».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.45 «Дунё адабиёти».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Юрак кенгликларида». Мусиқий дастур.
21.35 «Умуминсоний ва дунёвий».
22.00 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 4-қисм.
22.35 «Ахборот».
23.00 «Сомон йўли». Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.35 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мумтоз наволар.
21.15 «Иймон».
21.35 «Сёгун». Телесериал.
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Оилавий экран.
24.00 — 00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.20 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Долзарб репортаж».
*
Россия давлат телевидениеси 21.00 —21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Динозавр, Теодор, Рекс». Бадиий фильм (АҚШ).
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Суҳбатдош».
19.25 «Жаҳон агросаноатида». Голландия тажрибасидан.
19.35 «7 дан 70 гача».
19.55, 21.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Телеташриф».
21.05 «Польшага назар».
21.15 «02» тўлқинида.
21.25 «Каталог».
21.35 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.00 «Киносалон».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз».
8.45 «Мураббий». Спорт дастури.
9.00 «Оила ва жамият». Тележурнал.
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 4-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Меҳр макони».
10.55 Болалар учун. «Ҳикматлар ҳазинаси».
11.10 «Харита». Халқаро шарҳ.
11.25 «Иванко ва қарғалар шоҳи». Мультфильм.
11.35 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
12.05 «Янгра, дутор, танбур».

12.25 «Қишлоқ ҳаёти».
12.45 Кундузги сеанс. «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм.
13.50 «Мушоира».
14.10 — 14.30 «Буни умр дерлар».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ёднома».
18.30 «Химмат».
18.50 «Теннис-клуб».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Қиёфа».
22.05 «Янграсин, шўх яллалар». Мусиқий дастур.
22.35 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 5-қисм.
23.10 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури:
23.35 «Азиз сиймолар». Сойиб Хўжаев.
23.55 Бадиий фильм.
01.10 — 01.15 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акс».
20.10 «Туйғуларим».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Яхши дам олинг».
21.20 «Сёгун». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани.
23.10 Бокс. Бокс. Бокс.
23.30 Чет эл эстрадаси.
23.40 — 23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.10 Киноафиша.
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00
*
17.20 — 20.40
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси. 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Адолат манзили». Телекўрсатув.
21.55 Оскар совриндорлари: «Қунчиқар». Бадиий фильм.
23.35 — 23.55 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.30 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Бегойим».
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.40 «Бу бўстон аро».
21.00 «Дурдаршан».
21.35 Кинематограф.
22.55 Араб эстрадаси.
23.25—23.35 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Шоҳруҳ» клуби.
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 5-қисм.
10.00 «Ҳаёт сўқмоқлари».
10.30 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
«Ёшлар телеканали»
11.00 1. «Талабалик йилларим».
2. «Дунё бўлди чаманим маним».
3. «Очиқ дарс».
4. «Табассум кўчаларида».
12.30 «Ёр васфи». Мусиқий дастур.
12.50 «Телевидение ва томошабин».
13.20 Кундузги сеанс. «Чегем ҳангомаси». Бадиий фильм.
14.40 «Тасвирга кўчган кўнгил».
15.00 — 15.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатуви.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Қўшиғимиз сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.00 «Келин-куёв». Телешоу.
22.55 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури:
23.20 «Куй ва тасвир».
23.40 «Ҳазил».
23.50 Диққат, премьера. «Мерос». Бадиий фильм. 2-серия.
00.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Хоразм» (Урганч) — «Пахтакор» (Тошкент).
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 Хайриддин Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 1-қисм.
9.40 «Мусиқа теграсида».
10.00 Спорт қитъаси.
10.30 «Фидойилар». А. Тарковский. 2-қисм.
10.50 Экранда — премьера. «Лавжой». Телесериал.
11.35 «Онагинам».
11.55 Болалар экрани.
13.30 «Учрашув».
13.50 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.40 «ММ-шоу»си.
15.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.00 Бокс. Бокс. Бокс.
16.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.50 Ярми ҳазил, ярми чин.
17.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.50 «Тарона».
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ў ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Таянч».
19.15 «Гулдаста».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мафтункор чеҳралар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «ТВ ва театр».
22.10 «Даракчи».
22.20 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
00.40 — 00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!.

III

17.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.40 «Цирк, цирк, цирк».
*
Россия жамоат телевидениеси 18.10 — 01.00
*
01.00 Эълонлар.
01.05 — 01.20 «Сополда акс этган дунё». Телефильм.

IV

10.00 «Рақслар қанотида».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40—12.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз. («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Авторейд».
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 21.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.05 Хит-коллекция.
21.30 «Киносалон».
23.00 «Спорт-марказ».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, Ю

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Нуроний».
11.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобака.
12.00 «Оҳангга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
12.20 «Туркий қавмлар».
12.35 Кундузги сеанс. «Бузоқ йили». Бадиий фильм.
13.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Насаф» (Қарши).
14.40 «Келин-куёв». Телешоу.
15.35 — 16.05 Ўсмирлар учун. «Нурли келажак».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Суйган сари». Мусиқий дастур.
18.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида» дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
Спорт дастури:
22.20 1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.
23.35 Жаҳон киноси юлдузлари.
23.55 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 6-серия.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бугуннинг боласи».
8.20 Ҳайриддин Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 2-қисм.
9.45 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
9.55 Саргузашт фильмлар экрани.
10.35 «Дойче Велле» тақдим этади...
10.55 «Лавжой». Телесериал.
11.45 «Мафтункор чеҳралар...».
12.05 Болалар экрани.
«Якшанбада — яхши дам» дастури:
13.25 Кўрсатувлар дастури.
13.30 Хорижий эстрада. Robert Miles.
13.50 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.40 Ғазал соғинчи.
15.00 «Нафосат».
15.10 «Изҳор».
15.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.20 Жаҳон мумтоз мусиқаси хазинасидан.
16.50 Мультфильм.
17.10 «Санта-Барбара». Телесериал.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.30 «Бўш ўтирма».
18.50 «Синфдош».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.55, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгга — кенг дунё».
20.15 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Даракчи».
22.05 «Миллионлар ўйини».
22.25 Якшанба кинозали.
23.55 — 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.15 — 23.40
*
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Киносалон».
14.00 «Телефакт».
14.10 «Ҳаммаси мода ҳақида».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип-антракт.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультфомоша».
19.00, 22.05 — Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 Клип-антракт.
19.55 «Бугунги кун маъзуси».
20.10 «Хайрли оқшом!».
20.40 «Мусиқий Олимп».
21.00 «Бурҷлар башорати».
22.10 Киносалон.
00.10 Жаҳон киноси янгиликлари».
00.40—00.50 «Хайрли тун!».

"ЎЗАВТОТРАНС" КОРПОРАЦИЯСИНИНГ "ТОШШАҲАРЮКТРАНС" КОНЦЕРНИГА ҚАРАШЛИ ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК 127-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИНИНГ ЯНГИ ПРОСПЕКТ ЭМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги 1740-сонли Фармойиши асосида Устав фондининг кўпайиши муносабати билан қўшимча акция чиқаришнинг 1998 йил 1 январдаги холати.

Меҳнат жамоаси 26 фоиз	-35665 дона
Давлат улуши 25 фоиз	-34284 дона
Чет эл инвестори 25 фоиз	- 34284 дона
Бошқа ташкилотлар 24 фоиз	-32912 дона
Ҳаммаси:	137135 дона
1 та акциянинг номинал қиймати	-100 сўм
Устав фонди ташкил этади	-13713,5 минг сўм

Қўшимча чиқарилган акцияни тарқатиш тартиби (акцияни номинал қиймати сақланган ҳолда)

1. Кўрсаткичлар:

а) Устав фондининг кўпайиши	-5392,5 минг сўм
б) Акциялар сони	53925 дона
в) Номинал қиймати	-100 сўм

2. Давлат томонидан сақланган, эгаси ёзилган оддий акциялар:

а) Акциянинг қиймати	-1265,0 минг сўм
б) Акциянинг сони	-17650 дона

3. Очиқ сотиладиган, эгаси ёзилган оддий акциялар:

а) Акциялар қиймати	-699,1 минг сўм
б) Акциялар сони	- 6991 дона

4. Чет эл инвестори:

а) Акция қиймати	- 3428,4 минг сўм
б) Акция сони	- 34284 дона

5. Қўшимча чиқарилган акциялар тартиби:
53925 дона, 5392,5 минг сўмга Национал депозитария томонидан рўйхатга олинган.

ЁЗУВЧИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Ҳикоя

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ

(Аввали ўтган сонда)

-- Лекин мажбур бўлиб қолсам, бозоргаям чиқаман.

-- Муҳтож бўлмайсан. Чунки қаноатга ўргандинг сен... Дидинг ҳам яхши. Чеховдан укаси сўраган экан: "Нимага сен ёзган нарсаларни ҳамма қизиқиб ўқийди-ю, меникини ўқимайди?" деса, Чехов: "Сенда ҳамма нарса бор, талантинг ҳам бор. Лекин сенда ички маданият йўқ", деб жавоб берган экан. Ҳозирда дунёда болалаб кетаётган секс, қолди-қочди асарларда маданият қайда!.. Маданиятни барбод қилади, одамларни жоҳилиятга бошлайди. Одамзод эса -- табиатан ожиз, алданишга мойил бўлади. Жуда нозик, масъулиятли касб бу...

Жамилани кўтариб Дилором кириб келди.

-- Уйғонибди-да қизинг? -- деди ёзувчи.

-- Эҳ! -- деб юборди шунда Жавоҳир тиззасига уриб. -- Яна эсимдан чиқибди.

-- Нима экан?

-- Икки кундан бери "анжир ейман", дейди. Ҳар гал эсимдан чиқиб қоляпти.

Жамила онасининг қўлидан тушдида: "Дадажон", деб отасининг ёнига югуриб келди. Жавоҳир қизини кўтариб, эркалата бошларкан, у дарҳол сўради:

-- Менга анжир опкелдингизми?

-- Қизим, биласанми... бозор ёпиқ экан.

Қизи хафа бўлгандай ерга қаради.

-- Кеча очиқ эди...

-- Эртага яна очилади, қизим, хўпми? Албатта, олиб келиб бераман, анор ҳам... -- Жавоҳир қизини кўтарганча бошқа хонага кириб кетди. -- Йиғлама, қизим...

1

-- Алдагани бола яхши, а, устоз? -- деди Абдурайим.

-- Ҳа, энди, нима десин буям... Қизиқ, эсимга бир нарса тушиб кетди. Ўшанда ўн ёшларда эдим, чамаси. Мени биласан, отасиз ўсганман. Нимадир бўлди-ю, онамга бақира бошладим: "Нимага ҳамманинг отаси бор? Нимага меники йўқ?" Отамнинг Сибирда ўлиб кетганини эшитган эдим. Лекин бошқа болаларнинг оталарини кўриб, кўнглим бузилиб сиқилар эдим. Шунинг учун онамга шундоқ дегандим. Гапимни эшитиб, онам ҳам йиғлаб юборди. Мен уйдан чиқиб кетдим. Ўктам деган синфдошимнинг уйига бордим. Энди ўтирган эдик, унинг отаси келиб қолди. Маст, қўлида бир шиша виносиям бор эди. Уйга кириши билан ўғлига бақира бошлади: "Нега мундай қарайсан менга?" Кейин урмоқчи бўлган эди, Ўктам қочиб ҳовлига чиқди. Кетидан мен ҳам чиқдим. Отаси болтани кўтариб, кетимиздан қувлади. Мен уйимизга келдим. Кўз олдимдан титраб қочаётган Ўктаму оғзидан сўлаги оқиб, болта кўтариб қувлаётган отаси кетмас эди. Онамни қучоқлаб йиғладим. Ўшанда: "Э, худо, яхшиям отам йўқ экан-а", деб ўйлаган эдим. Шундан кейин ёмон оталарни кўрдимми, барча оталар шундай бўлишса керак, деб ўйлар эдим... Ҳа, майли. Абдурайим, мени балконга олиб чиқ, ука, чекким келди.

Абдурайим чапдастлик билан аравачанинг орқасидан итариб, ойнабанд айвончага чиқарди.

Улар чиқиб кетишгач, хонага кирган Дилором столга қошиқ, санчиқларни қўя бошлади. Шунда Жавоҳир ҳам келди.

-- Дилором.

-- Ҳа.

-- Ҳали уйга кираётганимда дадамга нима деб бақираётган эдингиз?

Дилором жавоб бермади.

-- Нега индамайсиз? Сиздан сўраяпман.

-- Менга дўқ қилманг, -- силтаб ташлади Дилором. -- Дадангизга қараш, мана шундай жонимга тегди. Ҳа, ҳа! Ҳаммаси жонимга тегди... Овқатингизни қилсам, кирингизни ювсам, уйдаги ҳамма иш -- менинг бошимда бўлса. Яна, бунинг устига, дадангизнинг тувагини тозаласам... Қачон мен ҳам одамлардай яшар эканман, э, худо! -- Унинг кўзлари ғилқ ёшга тўлди. -- Олиб келадиган пулингизниям тайини йўқ. Ана, Ферузанинг эри туғилган кунига юзта атиргул совға қилибди.

Жавоҳир хўрсинди.

-- Юзта атиргулни нима қиласиз?.. Дугонангизни уйида ўша атиргулларни солиб қўйиш учун вазалари ҳам етмаса керак.

-- Қўшниларига тарқатипти.

-- Кўрдингизми, ўзида қолган бўлса, ўнта қолгандир.

-- Нима аҳамияти бор, -- чийиллаб юборди Дилором. -- У хотинини хурсанд қилмоқчи бўлган, инсон! Чунки у хотинини ҳурмат қилади. Сиз эса...

-- Менга қаранг, Дилором, -- ётиғи билан деди Жавоҳир. -- Ҳозир ишим унчалик юришаётгани йўқ, биласиз. Яна, худди менинг чўнтагим тўла пулу, уни сиздан аяётгандек , гапирасиз. Ахир, ҳаммаси бўлади...

-- Қачон? Қачон бўлади? Қариганимдами? Менинг ёшлигимни, ҳаётимнинг энг яхши...

-- Гапиринг. Ҳаётингизнинг энг яхши даврини барбод қилаяпман-а? Шундайми? Қизиқ, устимиз бут, қорнимиз тўқ бўлса... Наҳотки бизнинг бахтимиз учун, бизни бахтли қиладиган нарса -- юзта атиргул бўлса? -- Жавоҳир яна хўрсинди. -- Энди, бир нарсани айтаман сизга. Дадамнинг қўполлигини эшитганман кимларгадир қўл кўтарганлар ҳам. Лекин на акаларимни, на опамни, на ўзимни чертганлари йўқ. Улар ҳар доим тушунтиришга ҳаракат қилиб келадилар. Илтимос, дадамга бақирманг... Дадамга ўз болалари овозини кўтариб гапирмаган... Майли, хоҳласангиз, опамга айтаман, ўзи келиб қарайди. Фақат унга яхши гапиринг... Вақти келганда, юзта гулниям олиб бераман.

Шу пайт эшик қўнғироғи жирингилади.

-- Кимдир келганга ўхшайди.

2

Бориб эшикни очган Дилором меҳмонларни ичкарига бошлади. Айвончадан устози ўтирган аравачани ғилдиратиб Абдурайим ҳам кириб келди.

-- И-е, жиянларим келишипти-ку! -- деди ёзувчи.

-- Салом алайкум, амаки, -- деб унинг олдига келди Насиба. Унинг кетидан Нуриддин ҳам етиб келиб, аравачанинг ёнига ётди ва амакисини қучиб ўпти.

-- Яхшимисан, Насиба?

-- Яхши, амакижон, -- гўё амакисини кўрганидан боши осмонда эди жиянинг. -- Худога шукур-е, бизни ҳар хил ваҳималар билан қўрқитиб юборишди...

-- Тирикман, жиян, тирикман, -- деб кулди ёзувчи. -- Сен қалайсан, Нуриддин?

-- Зўр... Сиздан хавотир олдим, холос. Соғлиғингиз қалай? Болалар, неваралар катта бўлишяптими?

-- Ҳаммаси яхши. Бу йигитни танидингларми? Шогирдим Абдурайим.

-- О, таниганда қандоқ! -- Нуриддин энди шогирд билан қучоқлашиб кўришди.

-- Қани, столга ўтинглар.

(Давоми бор)

ПАРИЧЕҲРА ТУШ КЎРАДИ...

Тухфа

..ўзин нима деб овутаркин севмаган одам, қалбин қандай илитаркин севмаган одам?.

(Қамчибек КЕНЖА)

* * *

Қари момо чол ёнида туш кўради,
Кабутарлар ўз жуфтига тўш уради.
Ошиқу-зор токай бағри бўш юради
Тенгин топмай куйиб кетган оғушларей..

Осмон узоқ, етмасмикан ёрга оҳлар,
Ё хаёлин банд этдими ўзга моҳлар?
Зор куйдириб у ким билан дилин чоғлар
Заҳчаларга эрмак бўлган оққушларей,

Ёлғизликнинг ситамлари бунча оғир,
Эркалашни армон билиб куяр бағир.
Мард кўксига бош қўймаган, тунлар сағир,
Айрилиқнинг куни қурсин, бунча тахир?!.

...Бир пари қиз ухлар армон болишида
Чархибедун куяр ўтсиз нолишида
Илинж ётар туни билан оғушида
Ёр меҳрига ташна вужуд йўқ хушида.

Алқиссаким, фироқ гулни сўлдиргуси,
Кимса йўққим, анинг кўнглин тўлдургуси.
Келса-келсун,йўқса фироқ ўлдургуси
Видо олди суяр ёрин бир кўргуси...

...Паричеҳра туш кўради, у тушида -- ўлтирганмиш севганининг оғушида.
Бахт нашъасин тотар ҳар ким жуфтин топса,
Қанча ҳикмат бордир кунинг оғушида?!.

СИЗНИ СОҒИНДИМ

..ёрдин айру кўзумни интизор этди фироқ, қолмади сабру-қарорим, беқарор этди фироқ.

НОДИРА.

Мен сизни соғиндим, жуда соғиндим,
Сиз ўтар йўлларга пир деб топиндим,
Умидни ёпиндим, сувдайин тиндим,
Сизни соғиндим...

Соғинчдан кўнгил ҳам эзилиб кетди,
Тоқатнинг тоқлари бузилиб кетди,
Шубҳаю-гумонлар тизилиб кетди,
Сизни соғиндим..

Соғиниб қабарган юрагим дедим,
Ҳаётда бир умр тиргагим дедим
Сиз менга кераксиз, керагим дедим
Соғиниб кетдим..

Соғиндим, тополмай ўкиниб кетдим,
Ул келмас саробга юкиниб нетдим,
Чаросин тополмай тўкилиб битдим
Сизни соғиндим, жуда соғиндим...

Гулчеҳра ШАҲОБИДДИН қизи,
Жиззах педагогика институти ўқитувчиси

Сирдошлар

Саҳнадаги воқеалар шу кунга тегишли. Ёш оила тотув яшайди. Эр -- тадбиркор. Умр йўлдоши тележурналист. Ўғилчалари кун сайин эмас, соат сайин катта бўлаяпти. Бувижониси эса ширин набиранинг тетапоя қадамларидан севинади. Набираси яна биттага қўпайишини жуда истайди. Буни албатта ўғил ҳам, келин ҳам хоҳлайди. Бироқ иш нима бўлади? Ахир тележурналистика унинг ёшлик чоғидан ўйлаган орзуси...

Ниҳоят оилада бир тўхтамга келинди. Иккинчи фарзанднинг туғилиш муддатини бироз ортга суришади. Ушбу муаммони ҳал этишда эса замонавий контрацепция усуллари ёрдам беради.

"ҚИЗИЛ ОЛМА" ТАШАББУСИ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Қизил олма" дастури буюртмасига кўра ушбу саҳна асари тайёрланди.

Тез кунда аёллар саломатлиги ва оилани режалаштириш бўйича эълон қилинган танловнинг ташкилотчилари тайёрлаган сценарий Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилади. Ушбу танлов "Қизил олма" дастури, "Камолот" жамғармаси ва "Геликон" продюссерлик маркази томонидан ташкил қилинган. Ҳайъат аъзолари сафида АҚШнинг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчисининг рафиқаси Клейр-Лис Прэсл, машҳур хонанда Насиба Абдуллаева, АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) вакиллари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг муовини Диловар Қобуловалар бор. Улар ўз фикрларини билдиришди.

Энди навбат сизга. Дарвоқе, экран қаршисига барча таклиф этилади.

Ажиб дунё

ЯПОНЛАРНИНГ 45 ГРАММ МЎЪЖИЗАСИ

Японияннинг "Ниппон телеградо энд телефон корп" электрон фирмаси дунёга яна бир бор техника мўжизасини -- қўл соатига жойлашган радиотелефонни ҳадя этди. Янги авлод радиотелефони шу қадар кичкинаки, рақам териш учун тугмачаларга ҳам жой йўқ. Япон олимлари бу масалани бошқача ҳал қилишди. Улар митти телефонга гапириб териш программасини ўрнатишди. Бир ярим йиллардан кейин сотувга чиқадиган бу техника мўъжизасининг вазни 45 граммни ташкил қилади. Ихтирочиларнинг гапига қараганда, соат радиотелефони сотувга чиқишига қадар, унга видеотелефон ва уни ҳар хил вируслардан сақловчи электрон шифокор ўрнатилади.

Маълумотларга қараганда "Моторолла" радиотелефонининг оғирлиги ҳозир 110 грамм келаркан. Бундан ўн йил илгари ишлаб чиқарилган радиотелефоннинг дастлабки нусхаси 5 килограммни ташкил қилар эди.

БЕНЗИН ЎРНИГА КОКОС

Австралиялик олим Дан Этерингтон кокос мевасидан ёғ олишнинг осон усулини ўйлаб топди. Азалдан кокос ёғи асосан косметикада ишлатилган бўлса, эндиликда машинасозлик фирмалари ҳам унга эътибор қаратмоқда. Ер юзидаги нефть заҳиралари яна етмиш йилгагина етиши мумкинлигини ҳисобга олиб, машинасозлар ҳозирдан бензин ўрнини босадиган ёнилғини қидиришмоқда. Битта кокос мевасидан 100 миллиграммгача ёғ олинса, у дизелли машиналарда 1 километр масофани босиб ўтишга бемалол етар экан.

Самоанинг Ғарбий Ваймала оролининг ўзида 50 миллиардга яқин кокос ёнғоғи етиштирилади. Бундай ороллар эса дунёда сон-саноқсиз. Ҳозир эса оролнинг тоғли районларида бензин қимматга тушгани учун, маҳаллий аҳоли фақат кокос маҳсулоти -- ёнилғисидан фойдаланмоқда.

Хориж хабарлари асосида БАХТИЁР тайёрлади.

Маълумки, ҳар қандай терма жамоанинг ўйини ўртоқлик учрашувларида шакллана-ди, ривожланади. Мураббийлар ҳам худди шу вақтда жамоанинг "паст-баланди"ни аниқлаб чоралар кўради.

Футбол бўйича мамлакатимиз терма жамоаси куни кеча Боку шаҳрида озарбайжонликлар билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Вакилларимиз майдонга қуйидаги таркибда тушдилар: Беляков ("Навбаҳор"), Қамбаралиев ("Пахтакор"), Шоймардонов ("Пахтакор"), Хвостунов ("Пахтакор"), Қосимов ("Пахтакор"), Турсунов ("Навбаҳор"), Пирматов ("Пахтакор"), Ширшов ("Пахтакор"), Муртазоев ("Сўғдиёна"), А.Бердиев (Усмонхўжаев), ("Бухоро"), Писарев("Нефтчи").

Ўйин деярли тенг курашлар остида ўтди. Гоҳ меҳмонлар, гоҳида эса мезбонлар қулай вазиятларнинг "қадрига" етмадилар. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмай

"ҚАРДОШЛАРГА ЁН БЕРДИК"

қолди.

Учрашувнинг иккинчи бўлими жуда қизиқарли ўтди. 75-дақиқада ярим ҳимоячимиз С.Муртазоев жарима майдони яқинида ўйин қоидасини бузди. Озарбайжон жамоасининг моҳир ҳужумчиси Гусеинов тўпни дарвозага йўллаб, ҳисобни очди. Шундан сўнг ўйин янаям шиддатли тус олди. 89-дақиқада ҳимоячимиз Хвостунов-

Миллионлар ўйини

нинг хатосидан қардошларимиз унумли фойдаланиб, ҳисобни 2:0 га етказди. Бу сафар Гурбанов...

Ҳакам ҳуштак чалишдан сал олдинроқ маҳоратли Миржалол Қосимов жавоб тўпини киритишга улгурди.

Икки давлат футбол федерацияларининг ўзаро келишувларига биноан Тошкентда жавоб учрашуви ўтказиладиган бўлди. Ҳозирча ўйин бўладиган кун аниқ белгиланган йўқ.

ЯНА ЯНГИ МУРАББИЙ

Куни кеча "Пахтакор" ҳамда терма жамоамизда янги мураббий иш бошлади. У Сельсо Де Розенди, 1963 йили туғилган, оилали, битта фарзанди бор. Машҳур "Сантос" клубида ишлаган.

"Пахтакор" футбол клуби раҳбарияти янги мураббий билан яқиндан танишди. Учрашувда Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, жамоа бош мураббийси Вега Да Сильва, жамоа бошлиғи А.Толибжонов ва бошқалар иштирок этдилар ва қилинажак ишлар юзасидан фикр алмашдилар.

Бразилиялик янги мураббий "Пахтакор" ва миллий терма жамоадаги футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги устида иш олиб боради.

ЕТТИНЧИ ТУРНИНГ "ХОСИЯТИ"

Мазкур турда икки учрашув натижаси кутилмаган бўлди. Бири "Бухоро"нинг уйида МҲСК билан (2:2) дуранги, иккинчиси чемпионат пешқадами "Навбаҳор"нинг Жиззахда "Сўғдиёна"га (3:1) ён бериши...

Энг кўп мухлис "Нефтчи" - "Трактор" учрашувига ташриф буюрди - 11 минг.

Энг кўп тўп ҳам ушбу учрашувда киритилди - 5 та.

8 учрашувда жами 27 тўп дарвозага тушди.Ҳар бир ўйинга ўртача 3,3 тадан гол демакдир.

"Сурхон" - "Косонсой" учрашувида ҳакамларнинг қўли 9 марта сариқ карточка билан кўтарилган. 3 ўйиннчи 1 марта, 3 нафари 2 бор "сариқ" олгани учун карточка "қизил"га айланди.

Олий лига

7 — ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	7	6	0	1	16-5	18
«Навбаҳор»	7	5	0	2	16-5	15
«Нефтчи»	7	5	0	2	15-6	15
«Сўғдиёна»	7	5	0	2	13-6	15
«Бухоро»	7	4	2	1	10-5	14
«Дўстлик»	7	3	2	2	13-8	11
«Хоразм»	7	3	2	2	9-7	11
«Зарафшон»	7	3	1	3	7-7	10
«Насаф»	7	2	3	2	6-5	9
«Сурхон»	7	3	0	4	12-12	9
«Андижон»	7	2	2	3	12-11	8
«Трактор»	7	2	1	4	5-13	7
«Металлург»	7	2	0	5	6-13	6
«Темирйўлчи»	7	2	0	5	8-21	6
«Косонсой»	7	1	1	5	6-14	4
МҲСК	7	0	2	5	5-21	2

А.РАИМОВ,"Туркистон" мухбири

Спорт

«СКИФ» БАСКЕТБОЛЧИЛАРИ -- ҒОЛИБ

Апрель ойида Тошкентда баскетбол бўйича анъанавий «Талабалар спорт ҳафталиги» бўлиб ўтди. Унда пойтахтдаги барча олий ўқув юртлари талабалари икки кичик гуруҳга бўлиниб куч синашди.

Биринчи кичик гуруҳ финалида эркаклар ўртасида Жисмоний тарбия институтининг «СКИФ» командаси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти спорт клуби спортчилари беллашди. Ўйин қўшимча вақтда 100:91 ҳисобида Жисмоний тарбия институти талабалари ғалабаси билан якунланди.

Учинчи ўринни Тошкент Давлат техника университети талабалари эгаллади.

Биринчи кичик гуруҳда хотин-қизлар ўртасида ҳам кураш қизғин кечди. Жисмоний тарбий институтининг талаба қизлари ҳам биринчиликни эгаллашди. Тошкент Давлат техника университети қизлари иккинчи, ТошТИ баскетболчилари учинчи ўрин билан чекланишди.

Иккинчи кичик гуруҳда ғолиблик учун кураш давом этмоқда.

ЎзА

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(4 май-10 май)

ҲАМАЛ. Душанба куни узоқдан хушхабар эшитасиз ва албатта қувонасиз. Чоршанба куни алданиб қолишингиз мумкин. Ҳафта охирида соғлиқ муаммоси сизни бироз ташвишлантиради.

САВР. Энг яқин киши билан душанба куни учрашасиз. Пайшанба куни бироз соғлиғингиз безовта қилади. Шанбада кутилмаган янгилик бор.

ЖАВЗО. Умуман ҳафта боши бизнес ҳамкорликлар, тугатилмай қолган ишлар якуни билан ўтади. Албатта ҳафта охирида ҳам шу кайфият сизга ҳамроҳ бўлади. Фақат шанба куни бўлиб ўтадиган озгина дилхираликни ҳисобга олмаса.

САРАТОН. Соғлик бўлгандагина ҳамма нарсага эришиш мумкин. Шунинг учун даволанинг. Пайшанба куни кўпдан орзу қилган матоҳингизни сотиб оласиз. Жума куни алдоқчилардан узоқ юрганингиз маъқул.

АСАД. Сизга ҳам саратонга берган маслаҳатимизни берамиз. Соғлиғингизни асранг. Чоршанба куни оилавий можаролар бошингизни қотиради. Дам олиш кунлари эса... кутилмаган учрашув -- севишганингиз билан учрашасиз ва бирга бўласиз.

СУНБУЛА. Душанбада улкан ишларга қўл урганингиз яхши. Шанба ижодкорлар учун, якшанба тижоратчилар учун бегим кунлар.

МЕЗОН. Сешанбада қувонасиз. Чоршанба ҳамкорлик учун яхши кун, фақат алдаб кетишлари мумкин. Пайшанбада соғлиғингизни ва асабингизни асранг. Шанбада кутилмаган учрашув.

АҚРАБ. Душанбада ҳамма ишларингиз олдинга юришади. Сешанбада бироз асабийлашасиз. Ҳафтанинг кейинги кунлари учрашувларга бой ўтади.

ҚАВС. Сешанба ва пайшанба кунлари узоқдан хушхабар эшитасиз. Якшанба куни қилган бозорингиз албатта оила аъзоларингизга ҳам маъқул келади.

ЖАДЪЙ. Чоршанба ўзингиз истаган кишингиз билан учрашишга имкон беради. Амалга ошмаган орзуларингизга якшанбада шароит етарли.

ДАЛВ. Душанбада бўлиб ўтган арзимас дилхиралик, сешанба куни соғлиғингизга таъсир этади. Ҳафта охирида кутилмаганда бойлик эгаси бўласиз.

ҲУТ. Ҳафта бошида соғлиғингиз безовта қилади. Жума куни ишхонада бироз кўнгилхиралик содир бўлиши мумкин. Дам олиш кунларида оила аъзоларингиз билан бирга бўлинг.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Абдулазиз РАИМОВ

ТАҲРИРИЯТ: Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, жисмоний ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012 «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —010 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 9.917 Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти —21.30